

ЁШЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МЕНТАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ

Эшамова Ирода Шавкат қизи

Jinan Wenda Language, Culture, and Arts Co., Ltd компанияси таржимони

Iroda_irow@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.1575779>

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос дунёқараши, урф-одатлари, миллий қадриятлари ва тарихий тажрибаси унинг менталитетини шакллантиради. Миллий менталитет — бу халқнинг асрлар давомида тўплаган руҳий, ахлоқий, ижтимоий ва маданий хусусиятларининг умумий мажмуасидир. У авлоддан авлодга ўтиб, миллатнинг ўзлигини, унга хос бўлган фикрлаш тарзи, ҳис этиш қобилияти ва муносабатларини белгилаб беради. Ёш авлод ҳар қандай жамиятнинг таянчи ва истиқболи ҳисобланади. Шу боисдан, ёшларни миллий руҳда, юксак маънавий-маърифий асосда тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбида ўз миллатига хос бўлган қадриятларни мустаҳкамлаш жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ментал хусусиятлар фақат билим ёки маълумот орқали эмас, балки кундалик хаётда, урф-одатлар, анъаналар, маданият ва муҳит орқали ҳам шаклланади. Айниқса, глобаллашув, интернет ва ахборот хуружи шароитида миллий ўзликни асрар қолиш ва ёшлар онгига миллий ментал хусусиятларни шакллантириш долзарб вазифалардан биридир. Бугунги кунда ёшлар катта ҳаётга тайёрланаётган даврда уларнинг маънавий олами, ахлоқий мезонлари ва шахсий дунёқараашлари миллий руҳда бойитилиши керак.

Мазкур мақолада ёш авлоднинг миллий ментал хусусиятлари қандай омиллар таъсирида шаклланиши, бу жараёнда оила, таълим муассасалари, жамият ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни, шунингдек, бу хусусиятларнинг сақланиши ва ривожланишидаги муаммолар ҳамда ечимлар таҳлил қилинади.

Миллий менталитет — бу муайян миллат ёки этник гурухга мансуб инсонларнинг ўзига хос фикрлаш тарзи, ҳаётга, дунёга, меҳнатга, одамлар ўртасидаги муносабатларга бўлган муносабати, руҳий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатлари, маданий анъаналари ва маънавий эҳтиёжларининг мажмуасидир. У фақат шахсий хусусиятлар эмас, балки бутун миллат миқёсидаги умумий руҳий ҳолатни, жамиятнинг ички қиёфасини намоён этади¹.

Миллий менталитет тарихи, географияси, дини, тили, ҳаёт тарзи ва ҳатто табиат шароити билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, кўчманчи халқлар билан муқим дехқон халқларининг дунёқараши, меҳнатга муносабати ёки меҳмондўстлик анъаналари ўртасида фарқлар бор. Ўзбек халқининг миллий менталитетида меҳмондўстлик, катталарга хурмат, шукроналик, сабр-тоқат, оиласиб бағрикенглик ва инсофилик каби фазилатлар катта ўрин тутади.

Миллий менталитет бу -

- маънавий асос: жамиятдаги умумий ахлоқий мезонлар ва қадриятларни белгилайди.

¹ Сафиязова Д. Ж. Влияние национальных традиций на воспитание детей в узбекских семьях // Теория и практика образования в современном мире: материалы III междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, май 2013 г.). СПб.:Реноме, 2013. С. 170-172.

- шахсий ривожланишга таъсир: инсон шахсиятининг шаклланишида, унинг феъл-атвори, ҳис-туйғулари, қарор қабул қилиш усулларида ўз аксини топади.
- маданий узлуксизликни таъминлаш: авлодлар ўртасидаги маънавий боғлиқлик ва миллий идентификацияни сақлашда муҳим рол йўнайди.
- жамият барқарорлигини таъминлаш: миллий менталитетга асосланган жамиятда ижтимоий тотувлик, ўзаро ҳурмат ва барқарор тараққиёт эҳтимоли юқори бўлади².

Бугунги глобаллашув даврида миллий менталитетнинг аҳамияти янада ошган. Чунки турли маданий таъсирлар, интернет ва ахборот оқимлари ёшларнинг онгига чет эл қадриятларини кириб келишини осонлаштирумокда. Агар миллий ментал хусусиятлар мустаҳкам бўлмаса, ёшлар ўзликни йўқотиши, маданий ассимиляцияга дучор бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир жамият миллий менталитетни сақлаш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратиши керак.

Миллий менталитетни шакллантиришда ва унга содик қолишида таълим тизими, оила, ОАВ, маънавий-маърифий ишлар ва давлат сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Чунки бу фақат шахсий иш эмас, балки умуммиллий маънавий хавфсизлик масаласидир.

Ёшларнинг ментал хусусиятларига таъсир қуловчи асосий омиллар:

Ёш инсон шахсиятининг шаклланиши — бу узок ва мураккаб жараён бўлиб, у турли ижтимоий, маънавий, маданий, иқтисодий ва психологияк омиллар таъсирида амалга ошади. Миллий ментал хусусиятлар ҳам айнан шу омиллар таъсирида ёшлар онгига қарор топади. Кўйида бу омилларни алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз:

Оила — ёш шахснинг биринчи ижтимоий муҳити, тарбия маскани ва миллий қадриятларнинг илк манбаи ҳисобланади. Болалиқда олинган тарбия, ота-она, бувибоболарнинг ҳаёт тарзи ва урф-одатларга риояси боланинг онгига қаттиқ сингиб, унинг келажакдаги феъл-атвори, дунёқарashi ва муносабатларида ўз аксини топади³.

Таълим.Мактаб ва таълим муассасалари фақат билим бериш вазифасини эмас, балки тарбия ва шахс сифатида шакллантириш функциясини ҳам бажаради. Уларда миллий ғоя, тарихий хотира, адабиёт, санъат ва урф-одатларга оид билимлар тўғри ва тизимли равища берилса, бу ёшларда миллий ифтихорни уйғотади.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар — ёшлар учун асосий ахборот манбаи бўлиб қолмокда. Улар орқали ижобий ёки салбий ғоялар тез тарқалади. Агар миллий, маънавий ва тарбиявий контент кам бўлса, ёшлар ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Жамият ва ижтимоий муҳит.Ёшлар жамиятдаги муомала, муносабат ва умумий муҳит таъсирида ҳам шаклланади. Кўчада, махаллада, дўйстлар орасида, институтдаги муҳит — барчаси ёшнинг ички дунёсига таъсир этади.

Миллий ва диний қадриятлар ёш шахснинг маънавий-ахлоқий тарбиясида асосий ўрин тутади. Ушбу қадриятларнинг мазмунини англаш ва ҳаётга тадбиқ этиш орқали ёшлар ўзлигини англайди, жамиятда ўз ўрнини топади.

Давлат сиёсати. Ёшлар сиёсати, маънавият ва маданият соҳасидаги давлат дастурлари орқали ёшларга тегишли эътибор ва тарбия берилмоқда. Миллий ғоя, Ватанга муҳаббат,

² Bridge Ratings Youth audience media use study 2007 // Bridge Ratings & Research, 2007. – Mode of access: http://www.bridgeratings.com/press_02.14.07-Youth%20Media%20Use.htm

³ Отамуродов С. ва бошқалар. Ўзбекистонда маънавий-рухий тикланиш. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003.

тариҳий хотира, миллӣ қаҳрамонлар ҳақидаги маълумотлар ёшларда миллӣ ментал хусусиятларни мустаҳкамлайди.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб қуидаги хулосалар олинди. Биринчидан, миллӣ ментал хусусиятларни шакллантириш — ёш авлоднинг маънавий қиёфасини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб, уни етарлича таъминлаш миллатнинг келажақдаги барқарорлиги, маънавий етуклиги ва мустаҳкамлигини таъминлайди. Бу жараённи тасодифий, бетартиб ёки фақат шунчаки тарғиботлар билан амалга ошириб бўлмайди. У тизимли, уйғун, фаол ва замонавий ёндашувни талаб қиласди.

Иккинчидан, ёшларнинг миллӣ ментал хусусиятларини шакллантиришда биринчи навбатда таълим дастурларига миллӣ ментал тарбияни самарали жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда замонавий, қизиқарли, интерактив ўқув усулларидан фойдаланиш мақсадаг мувофиқ саналади. Миллӣ ментал хусусиятларни ривожлантиришда оиласлар учун “Миллӣ тарбия ўқув курслари” ёки “Ота-оналар мактаби” лойиҳасини жорий этиш лозим.

Шунингдек, бугунги кунда асосий ахборот манбаига айланган интернет оламида миллӣ менталитетга оид маҳсус платформалар, каналлар ва контентлар яратиш ва ёшлар орасида оммалаштириш орқали уларда миллӣ ўзликдан узоқлашиш каби иллатни олдини олиш мумкин. Бу борада ёшлар билан доимий очик мулоқотлар, дебатлар, фикр алмашинуви майдонларини кенгайтириш ҳам ўз самарадорлигини кўрсатади.

REFERENCES

1. Bridge Ratings Youth audience media use study 2007 // Bridge Ratings & Research,2007. Mode of access: http://www.bridgeratings.com/press_02.14.07-Youth%
2. Отамуродов С. ва бошқалар. Ўзбекистонда маънавий-рухий тикланиш. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003.
3. Сафиязова Д. Ж. Влияние национальных традиций на воспитание детей в узбекских семьях // Теория и практика образования в современном мире: материалы III междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, май 2013 г.). СПб.:Реноме, 2013. С. 170-172.